



# КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ САБАЛЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

*Неъматов Азизбек Голибжон ўғли\**

**Аннотация.** Ушбу мақолада кибержиноятчиликнинг жаҳон миқёсидаги ривожланиши, унинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги таъсири ҳамда иқтисодий ва ижтимоий хавфлари комплекс таҳлил қилинган. Кибержиноятчиликнинг трансмиллий хусусияти ва глобал ҳатар сифатидаги ўрни илмий асосда ёритилиб, унинг олдини олиш ва курашишида ҳалқаро ҳамда миллий ҳуқуқий механизмларни тақомиллаштириш зарурияти алоҳида таъкидланган. Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик базаси ва стратегиялари таҳлил қилинган бўлиб, уларнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириши ва ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлашдаги ўрни кўрсатилган.

**Калим сўзлар:** кибержиноятчилик, киберхавфсизлик, ахборот хавфсизлиги, трансмиллий жиноятчилик, рақамли иқтисодиёт, ҳуқуқий тартибга солиш, киберхужумлар, ҳалқаро ҳамкорлик, ахборот ресурслари, компьютер тизимлари, интернет, жиноят кодекси, қонунчилик ислоҳотлари.

## КИБЕРПРЕСТУПНОСТЬ: ПРИЧИНЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ И ПРАВОВОЕ ЗНАЧЕНИЕ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ

**Аннотация.** В статье представлен комплексный анализ динамики развития киберпреступности в глобальном масштабе, её влияния на сферу информационно-коммуникационных технологий, а также экономических и социальных рисков, связанных с данной проблематикой. Научно обоснована

\*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси киберхукуқ кафедраси катта ўқитувчisi. [info@akad.mvd.uz](mailto:info@akad.mvd.uz)



трансграничная природа киберпреступлений и их классификация как глобальной угрозы. Акцентируется необходимость совершенствования международных и национальных правовых механизмов предупреждения и противодействия киберпреступлениям. Проведен анализ правовой базы и стратегий Республики Узбекистан в области обеспечения кибербезопасности, выявлена их роль в развитии цифровой экономики и укреплении информационной безопасности.

**Ключевые слова:** киберпреступность, кибербезопасность, информационная безопасность, транснациональная преступность, цифровая экономика, правовое регулирование, кибератаки, международное сотрудничество, информационные ресурсы, компьютерные системы, интернет, уголовный кодекс, законодательные реформы.

## CYBERCRIME: CAUSES F EMERGENCE AND THE LEGAL SIGNIFICANCE F CUNTERMEASURES

**Abstract.** This article provides a comprehensive analysis of the global development dynamics of cybercrime, its impact on the field of information and communication technologies, as well as the associated economic and social risks. The transnational nature of cybercrime and its classification as a global threat are scientifically substantiated. The necessity to enhance international and national legal frameworks for the prevention and combating of cybercrime is emphasized. The legal framework and cybersecurity strategies of the Republic of Uzbekistan are analyzed, highlighting their role in the development of the digital economy and the strengthening of information security.

**Keywrds:** cybercrime, cybersecurity, information security, transnational crime, digital economy, legal regulation, cyberattacks, international operation, information resources, computer systems, internet, criminal code, legislative reforms.

Илмий-техника тараққиётининг доимий ва узлуксиз ривожланиши замирида янги глобал муаммоларнинг, хусусан, кибержиноятчиликнинг турли ва такомиллашган шаклларининг юзага келиши кузатилмоқда. Замонавий



ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тармоғининг кенг қамровли қўлланилиши натижасида жиноятчиликнинг катта қисми рақамли мухитда содир этилмоқда. Бу эса ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек кибержиноятларга қарши халқаро даражада самарали ҳамкорлик механизмларини яратиш ва ривожлантириш заруратини оширмоқда. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши билан бирга, кибержиноятчилик глобал хавф сифатида янада оммалашмоқда. Бу жиноятлар нафақат давлатлар хавфсизлигига, балки иқтисодий барқарорликка ҳам жиддий таҳдид солмоқда. Маълумотларга кўра, 2024 йилда кибержиноятлар дунё иқтисодиётига 16 миллиард доллардан ортиқ зарар етказган, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 33 фоизга ошганлигини кўрсатади<sup>1</sup>.

Кибержиноятларнинг глобаллашуви ва уларнинг халқаро миқёсда тарқалиши бу жиноят турини дунё ҳамжамияти учун катта хавф сифатида қабул қилинишига сабаб бўлмоқда. Тарихий жиҳатдан олинганда, кибержиноятчилик тушунчаси ўтган асрнинг 60-йилларда интернет тармоғининг пайдо бўлиши ва унинг доимий такомиллашуви натижасида шаклланган. Интернет ва ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши билан бирга, компьютер ва электрон тизимларга нисбатан содир этиладиган турли хил жиноятлар янги шакл ва усулларда пайдо бўлди. Илк босқичларда кибержиноятчиликка оид тушунчалар бир хил бўлмаган, улар турли илмий мактаблар, хукуқий институтлар ва халқаро ташкилотлар томонидан турлича талқин этилган. Шу боис, кибержиноятчиликнинг расмий ва умумий қабул қилинган таърифини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Шу мақсадда, Европа Кенгаши 2001 йилда “Кибержиноятлар тўғрисида”ги Конвенцияни қабул қилди. Ушбу ҳужжат кибержиноятчиликни киберақонда содир этиладиган ҳар қандай жиноят сифатида таърифлайди ва унинг турларини аниқлайди. Конвенция кибержиноятларга қарши самарали халқаро

<sup>1</sup> Reuters agentligi. <https://www.reuters.com/world/us/fbi-says-cybercrime-costs-rose-least-16-billion-2024-2025-04-23/> Мурожаат вақти 19.08.2025 йил.



ҳамкорликни ташкил этиш, жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятчиларни жазолаш бўйича механизмларни мустаҳкамлашни мақсад қилган. Бу эса кибержиноятчиликка қарши қурашда ягона ва интеграцияланган ҳукуқий асосни яратади<sup>2</sup>.

Кибержиноятчилик концепцияси ва унинг турлари ҳакида турли олимлар ва мутахассислар томонидан турли таърифлар берилади, бу эса соҳадаги мураккаблик ва жиноятчиликнинг кўпқиррали хусусиятини намоён этади. Соҳа олимларидан Т.Н. Бородкина кибержиноятларни аниқроқ тарзда “ахборот соҳасидаги жиноятлар” деб белгилайди ва уларни ахборотнинг ноқонуний фойдаланилиши, тарқатилиши ёки унинг барча турларига қаратилган жиноятлар мажмуаси<sup>3</sup> сифатида қарайди. Унинг таърифида кибержиноятчилик ахборот ресурсларига, уларнинг ўзликлари ва ҳимоясига оид бўлган ҳукуқбузарликлар билан чамбарчас боғлиқ эканига алоҳида эътибор қаратилади. Бу нуқтаи назар кибержиноятчилик соҳасида ҳукуқий базани такомиллаштириш, жиноятларни олдини олиш ва тегишли жавобгарликни белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Яна бир олим Л.Кочкина эса, кибержиноятчилик тушунчасини кенг қамраб олган ҳолда, уни “компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятлар”, “ахборот жиноятлари”, “компьютер ускуналари билан боғлиқ жиноятлар”, “юқори технологиялар компьютерларида жиноятлар” ва “ахборот соҳасидаги жиноятлар” каби турли йўналишларга ажратади<sup>4</sup>. Бу таърифлар кибержиноятчиликнинг фақатгина компьютер ёки интернетга оид бўлган жиноятлар эмас, балки ахборот технологияларининг турли жабҳаларида содир этиладиган кенг кўламли ҳукуқбузарликлар мажмуаси эканини таъкидлайди. Масалан, “компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятлар” деганда маълумотларнинг ноқонуний ўғирланиши, ўзгартирилиши ёки йўқ қилинишини тушуниш

<sup>2</sup> Будапешт конвенцияси. <https://rm.coe.int/1680081580>. Мурожаат вақти 19.08.2025 йил

<sup>3</sup> Т.Н.Бородкина. Киберпреступления: понятие, содержание и меры противодействия. Социально-политические науки. № 1. 2021. –139- 140 с.

<sup>4</sup> L.Kochkina. Definition of the concept “cybercrime”. Selected types of cybercrime // Сибирские уголовно - процессуальные и криминалистические чтения. 2022. №1.73 с.



мумкин, “ахборот жиноятлари” эса ахборот тизимларининг хавфсизлигини бузишга қаратилган кенг қамровли ҳаракатларни ўз ичига олади.

Шунингдек, А.У. Анорбоевнинг фикрига кўра, глобал тармоқ жиноятчилиги тушунчаси унга қадар мавжуд бўлган “компьютер жиноятчилиги” тушунчаси билан тўла мос келмайди ва мазкур жиноятчилик тури бугунги кунда “кибержиноятчилик” тушунчаси билан аталиб келинмоқда. Халқаро илмий ва ҳуқуқий амалиётда дастлаб “компьютер жиноятчилиги” тушунчаси, кейинчалик “компьютер билан боғлиқ жиноят”, “компьютер орқали жиноят содир этиш”, “электрон жиноятчилик” ва “юқори технологиялар жиноятчилиги”, “виртуал жиноятчилик” тушунчалари ишлатилиб, бугунга кунга келиб эса “кибержиноятчилик” ёки глобал тармоқ жиноятчилиги атамаси қўлланилиб келинмоқда<sup>5</sup>.

Ушбу таърифлар ва илмий қарашлар таҳлил қилинганда кибержиноятчилик – бу фактгина ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар йифиндиси эмас, балки ахборот ресурслари, компьютер тизимлари ва интернет тармоғидан ноқонуний фойдаланиш орқали инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, давлат хавфсизлиги ҳамда иқтисодий барқарорликка қарши кенг қамровли таҳдиддир. Кибержиноятчиликнинг трансмиллий ва трансчегаравий хусусияти, шунингдек, жаҳон ахборот маконидаги жадал тарқалиши унинг мураккаблиги ва қўпқирралигини янада оширади. Бу эса кибержиноятларга қарши курашишни факат бир соҳада эмас, балки ҳуқукий, технологик ва халқаро ҳамкорликнинг барча жабҳаларида самарали ҳамда интеграцияланган ёндашувлар билан амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонунининг З-моддасида кибержиноятчилик тушунчасига аниқ ва мукаммал юридик таъриф берилган. Унга кўра, кибержиноятчилик – бу ахборотни

<sup>5</sup> А.У.Анорбоев. Кибержиноятчилик, унга қарши қарши курашиш муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари. Монография. Т 2020 Б 12-13.



эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ҳамда ахборот ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида, шунингдек кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан ноқонуний равишда фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятлар мажмуидир<sup>6</sup>. Бу таъриф кибержиноятчиликнинг хукукий хусусиятларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг доирасини кенгайтириш билан бирга, кибермаконда содир этиладиган турли хил ноқонуний фаолиятларни қамраб олади. Шунингдек, мазкур таъриф ахборот хавфсизлиги соҳасидаги хукукий регуляциянинг асосий тамойилларини белгилайди, жумладан, ахборот тизимлари ва ресурсларига бўлган ҳукуқбузарликларни аниқлайди ва уларга қарши қонунчилик ёрдамида таъсир ўтказиш механизmlарини мустаҳкамлайди.

Қонунда таъкидланганидек, кибержиноятчилик турли хил компьютер дастурлари, техник воситалар ёки кибермаконнинг бошқа элементларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади, бу эса ушбу жиноят турининг техник жиҳатдан мураккаб ва тез ўзгарувчан хусусиятини кўрсатади. Шу боис кибержиноятчиликка қарши курашишда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги мутахассисликлар, қонуний регуляциялар ва халқаро ҳамкорлик муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари, кибержиноятчиликнинг трансмиллий ва трансчегаравий хусусиятга эгалиги, унинг содир этилиш усуллари ҳамда оқибатларини аниқлашда алоҳида ёндашувни талаб қиласди. Шунинг учун ҳам мазкур соҳадаги қонунчилик ва амалиётни доимий такомиллаштириш, давлат ва халқаро ташкилотлар даражасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлигига алоҳида урғу берилади.

Ҳозирги кунда бутун дунё миқёсида, хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси, Европа Кенгаши, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Араб Давлатлари Лигаси каби муҳим халқаро

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сон қонуни <https://lex.uz/uz/docs/5960604>. Мурожаат вақти 11.08.2025 йил.



ташкилотлар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан жиной мақсадларда ноқонуний фойдаланишга қарши курашиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Бу ташкилотлар томонидан қабул қилинаётган стратегик хужжатлар ва қонунчилик ташаббуслари киберхавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, глобал ахборот маконида содир этилаётган хукуқбузарликларга қарши курашишда умумий стандартлар ва қоидаларни жорий этишга қаратилган. Хусусан, БМТнинг ахборот хавфсизлиги бўйича резолюциялари ва Европа Кенгашининг кибержиноятчиликка қарши конвенциялари бу йўналишдаги муҳим ҳуқуқий асосларни ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси ҳам мазкур халқаро жараёнлардан фаол равишда ўрин олиб, ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган миллий ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги хавфсизлик чора-тадбирларини мунтазам такомиллаштириш бўйича қатъий сиёsat юритмоқда. Давлатимиз томонидан қабул қилинган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда тарғибот-таълим ишлари киберхавфсизликни таъминлашга йўналтирилган, шу билан бирга халқаро стандартларга мос келувчи қоидалар ва механизmlарни жорий этишга хизмат қилмоқда.

Натижада, миллий ва халқаро даражада ахборот хавфсизлиги масалаларига комплекс ёндашув амалга оширилмоқда, бу эса мамлакатнинг рақамли иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва жамият хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасида ахборот технологиялари соҳасида содир этилаётган қонунбузарликларга қарши самарали курашиш мақсадида муҳим ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Жиноят кодексига ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни алоҳида тартибга солувчи янги XX<sup>1</sup> боб киритилди. Ушбу янги боб ахборот технологиялари соҳасида содир этилаётган жиноятларни аниқ ва ҳар томонлама қамраб олишга қаратилган бўлиб, ушбу соҳада содир этиладиган ҳукуқбузарликлар учун жазонинг



қатъийлигини оширишга хизмат қиласи. Жиноят кодексига киритилган мазкур бобда қуидаги моддалар орқали ахборот соҳасидаги турли хил жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган:

Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш (278<sup>1</sup>-модда);

Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш (278<sup>2</sup>-модда);

Компьютер тизими ҳамда телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равища фойдаланиш учун маҳсус воситаларни тайёрлаш, ўтказиш ёки тарқатиш (278<sup>3</sup>-модда);

Компьютер ахборотини модификациялаштириш (278<sup>4</sup>-модда);

Компьютер саботажи (278<sup>5</sup>-модда);

Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш (278<sup>6</sup>-модда);

Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш (278<sup>7</sup>-модда).

Ушбу янги ҳуқуқий механизмлар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида содир этилаётган жиноятларни аниқлаш, уларга қарши самарали жавоб чоралари кўриш ҳамда киберхавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ушбу бобнинг жорий этилиши мамлакатда ахборот соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаб, рақамли иқтисодиёт ва ахборот инфратузилмаси хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”нинг 89-мақсадида фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу стратегия доирасида кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини ташкил этиш мамлакатимиз ахборот хавфсизлигини таъминлашда



устувор вазифа сифатида белгиланган. Стратегия доирасида қуйидаги асосий чора-тадбирлар назарда тутилган:

2023–2026 йилларга мүлжалланган Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш. Бу стратегияда “UZ” домен зонасидаги Интернет маконининг киберхавфсизлигини таъминлаш, электрон ҳукумат, энергетика, рақамли иқтисодиёт тизимлари ҳамда мамлакатнинг муҳим ахборот инфратузилмаларига оид комплекс ҳимоя чораларини белгилаш кўзда тутилади;

Кибержиноятчилик учун жиноий жавобгарликнинг самарадорлигини ошириш мақсадида уни қайта қўриб чиқиш;

Ахборот майдонида юз берадиган киберхужум ва таҳдидларни мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш. Бунинг доирасида киберхавфсизликнинг Ягона тармоғи техник инфратузилмасини кенгайтириш, “Кибернетикада инновациялар IT-парки” фаолиятини жадаллаштириш, шунингдек IT-парк худудлардаги рақамли технологиялар ўқув марказлари асосида ёшларни киберхавфсизлик соҳасида малакали тайёрлаш ва ҳар йили талаба ҳамда ўқувчилар орасида республика миқёсида киберхужумларни аниқлаш бўйича танловларни ташкил этиш назарда тутилган.

Ушбу ҳуқуқий ўзгаришлар мамлакатда рақамли иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ва стратегик аҳамиятга эга чора-тадбирлардир. Улар киберхавфсизликни таъминлаш, шу жумладан кибержиноятчиликка қарши самарали курашиш учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Бунда, рақамли трансформация жараёнларининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши миллий иқтисодиётнинг рақамлашувини тезлаштириш ва замонавий технологиялардан хавфсиз ва самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиласи. Шундай қилиб, ушбу қонунчилик



ташаббуслари мамлакатнинг рақамли соҳадаги стратегик мақсадларини амалга оширишда асосий ҳуқуқий восита сифатида муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги глобал ахборот жамияти шароитида кибержиноятчилик мураккаб ва тез суръатларда ривожланаётган халқаро муаммо сифатида намоён бўлмоқда. Халқаро статистик маълумотларга кўра, ҳар йили дунё миқёсида 500 миллиондан ортиқ киберхужумлар содир этилмоқда, бу эса ахборот-коммуникация технологияларининг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда катта қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, кибормаконда ҳар сонияда ўртacha 12 нафар шахс турли хил киберхужумларнинг қурбонига айланиши, кибержиноятчиликнинг ижтимоий-иқтисодий хавфини кўрсатади. Ўзбекистон Республикасида ҳам сўнгги йилларда кибержиноятлар сони сезиларли даражада — тахминан 8,3 баробарга ошган бўлиб, бу жиноят тури умумий жиноятчилик структурасида қарийб 5 фоизни ташкил этмоқда<sup>7</sup>.

Бу каби вазият киберхавфсизлик соҳасида давлат даражасида тизимли ва комплекс чора-тадбирларни қўллаш заруратини яратиб, ахборот тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва ахборот ресурсларининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ҳамда ташкилий механизmlарни такомиллаштиришни тақозо этади. Хусусан, киберхавфсизликни таъминлашга доир мониторинг тизимлари фаолиятини қучайтириш, киберхужумларни тез аниқлаш ва уларга қарши самарали реакция кўрсатиш, ҳамда заарларни бартараф этиш соҳасидаги фаолиятни жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, мамлакатимиздаги жиноят қонунчилиги асосида кибержиноятчиликка доир нормаларни такомиллаштириш, уларни амалда тўлиқ ва аниқ қўллашни таъминлаш, киберхавфсизлик соҳасида ҳуқуқий тартибга солишининг самарадорлигини ошириш учун зарур ҳуқуқий асослар яратилиши муҳимдир. Бу эса кибержиноятчиликни олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этишда самарали ҳуқуқий воситаларни жорий

<sup>7</sup> <https://yuz.uz/news/bir-yilda-500-milliondan-ortiq-kiber-hujumlar-uyushtiriladi>. Мурожаат вақти 20.08.2025 й



қилишга хизмат қилади. Натижада, кибержиноятчиликка қарши курашишда комплекс ва координация қилинган ёндашувларни жорий этиш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек ҳалқаро ҳамжамият билан ҳамкорликни кучайтириш миллий киберхавфсизлик сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қаралади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги замонда кибержиноятчилик глобал ахборот муҳитида жадал ривожланаётган ва ҳалқаро хавфсизликнинг энг жиддий муаммоларидан бирига айланган ҳодиса сифатида қаралади. Таҳлил қилинган статистик маълумотлар ва қонунчилик базаси қўрсатишича, киберхужумлар сони ва уларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий оқибатлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу сабабли, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш мақсадида миллий ва ҳалқаро миқёсда ҳуқуқий ҳамда ташкилий механизмларни мустаҳкамлаш зарурияти туғилмоқда. Ўзбекистон Республикасида сўнгти йилларда қабул қилинган қонунчилик ва стратегик хужжатлар рақамли иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга, киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши самарали чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган муҳим ҳуқуқий асосларни яратди. Шу тариқа, кибержиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш рақамли трансформация жараёнларининг барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Reuters agentligi. <https://www.reuters.com/wrld/us/fbi-says-cyber crime-csts-rse-least-16-billin-2024-2025-04-23/> Электрон манбаа.
2. Будапешт конвенцияси. <https://rm.coe.int/1680081580>. Электрон манбаа.
3. Т.Н.Бородкина. Киберпреступления: понятие, содержание и меры противодействия. Социально-политические науки. № 1. 2021. –139- 140 с.



4. L.Kchkina. Definition of the concept “cybercrime”. Selected types of cybercrime // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2022. №1.73 с.
5. А.У.Анорбоев. Кибержинойтчилик, унга қарши қарши курашиш муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари. Монография. Т 2020 Б 12-13.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сон қонуни <https://lex.uz/uz/dcs/5960604>.
7. <https://yuz.uz/news/bir-yilda-500-millindan-rtiq-kiber-hujumlar-uyushtiriladi>.  
Электрон манбаа.